

А Ж Р И М

(мажбурий даволанишга юбориш ҳақида)

Жиноят ишлари бўйича Дўстлик туман суди 2026 йил март ойининг 11 куни ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи Л.Қодирқулов, судья ёрдамчиси А.Худойқуловнинг котиблигида, Дўстлик туман Ички ишлар бўлимининг Нурмуродов Баходир Ураловични алкоғолдан мажбурий даволанишга юбориш юзасидан 1-3-1306-2601/5-сонли тўпланган ҳужжатларини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и м:

Нурмуродов Баходир Уралович – 1964 йил 08 сентябрда Пахтакор туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, нафақада, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилган, Дўстлик тумани, “Наврўз” МФЙ, Қурувчилар кўчаси 9-уйда яшайди.

Суд иш материаллари билан атрофлича танишиб чиқиб, Нурмуродов Баходир Уралович ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, ишда тўпланган далилларни таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра Б.Нурмуродовни мажбурий даволанишга юборишни лозим топди.

2026 йил 11 март куни Б.Нурмуродовнинг турмуш ўртоғи С.Нурмуродова Дўстлик туман ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, Б.Нурмуродов спиртли ичимлик истеъмол қилишга ружу қўйиб, мунтазам равишда спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолатда ҳар куни уйда оилавий жанжал қилаётганлигини, бу ҳолат бўйича кўни-кўшнилари томонидан эътироз билдираётганлигини, бу ҳолат фарзандларининг тарбиясига таъсир кўрсатаётганлигини билдириб, шу сабабли уни наркология диспансерида мажбурий даволанишга юборишни сўраган.

Иш ҳужжатларидаги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жиззах вилоят наркология диспансери комиссиясининг хулосасида, Б.Нурмуродов сурункали алкоғолизмнинг II-босқичи касаллигига чалингани қайд этилган.

Суд мажлисида сўралган Б.Нурмуродов мунтазам равишда спиртли ичимлик истеъмол қилиб келганлигини, тузалиш йўлига ўтишини, бундан буён фойдали меҳнат билан шуғулланишини, бу ҳолат бошқа такрорланмаслигини баён қилиб, унга имконият бериб кечиришини, наркология диспансерида юбормасликни сўради.

Суд мажлисида сўралган Б.Нурмуродовнинг турмуш ўртоғи С.Нурмуродова, турмуш ўртоғи Б.Нурмуродов ҳақиқатдан ҳам спиртли ичимликка ружу қўйганлигини, оиласида шу сабабли кўп жанжал бўлиб туришини, бу ҳолат фарзандларининг тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётганлигини билдириб, Б.Нурмуродовни мажбурий даволанишга юборишни сўради.

Б.Нурмуродовнинг мажбурий даволанишга мухтож эканлиги иш ҳужжатларидаги С.Нурмуродовнинг аризаси, дастлабки тушунтириш



хатлари, хулоса ҳамда Жиззах вилоят наркология диспансерининг 72-сонли хулосаси билан тўлиқ тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрь кунги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддасида “Мажбурий даволаш наркологик касалликларга чалинган, атрофдагиларнинг хавфсизлиги ва соғлиғига таҳдид солаётган ёхуд жамоат тартибини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузаётган, психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатида маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун бир йил ичида бир мартадан ортиқ маъмурий жавобгарликка тортилган ҳамда ушбу Қонунга мувофиқ мажбурий даволашга юборилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилган шахсларга нисбатан суднинг қарори асосида қўлланилади”-деб кўрсатилиб, шу қонуннинг 29-моддасида наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги қарор унинг яшаш жойидаги суд томонидан қабул қилиниши белгиланган.

Суд, С.Нурмуродованинг аризани қувватлаб берган кўрсатувини тинглаб, Б.Нурмуродовнинг доимий равишда спиртли ичимликлар истеъмол қилиб келиб, оила-аъзолари ва қўшнилариининг тинчлигини бузиб, атрофдагиларнинг маънавиятига хавф туғдираётганлигини инobatга олиб, уни сурункали алкоголизмдан мажбурий тартибда даволашга юборишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда 2020 йил 27 октябрь кунги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 25, 29-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423-моддасига асосланиб суд

а ж р и м қ и л а д и :

Фуқаро **Нурмуродов Баходир Уралович** алкоғолдан мажбурий даволаниш учун Пахтакор туманида жойлашган Жиззах вилоят Наркология диспансерига юборилсин.

Ажримни ижро қилиш Дўстлик туман ИИБ ЖХХ ва Пахтакор туманида жойлашган Жиззах вилоят Наркология диспансери ходимлари зиммасига юклатилсин.

Даволаш муддати Нурмуродов Баходир Уралович Жиззах вилоят Наркология диспансери муассасасига жойлаштирилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ажримдан норози томонларга етмиш икки соат ичида, шу суд орқали Жиззах вилоят судининг жинойт ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят беришга, прокурор протест келтиришга ҳақли эканлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи

Л.Қодирқулов

